ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖИМУРОДОВА МАДИНАХОН БАХРОМОВНА

БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН МУҲИТДА ИНФИЛЬТРАЦИЯ ЁКИ БУҒЛАНИШ ВА КОНВЕКТИВ КЎЧИШ ИШТИРОКИДАГИ ЧИЗИҚСИЗ ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 517.93, 623.556.3

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Table of contents of the dissertation abstract Doctor of philosophy (PhD) in Physical-mathematical Sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖИМУРОДОВА МАДИНАХОН БАХРОМОВНА

БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН МУҲИТДА ИНФИЛЬТРАЦИЯ ЁКИ БУҒЛАНИШ ВА КОНВЕКТИВ КЎЧИШ ИШТИРОКИДАГИ ЧИЗИҚСИЗ ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM268 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http:ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Арипов Мерсаид Мирсиддиқович,**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Нормуродов Чори Бегалиевич,**
физика- математика фанлари доктори, профессор;

Назирова Элмира Шодмоновна,
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 27 август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4- уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил 20 август куни тарқатилди.
(2020 йил 6 август, 19 рақамли реестр баённомаси).

А. Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З. Р. Рахманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Б.Ф. Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Маълумки, чизиқсиз жараёнларни ўрганиш янги муаммоларнинг туганмас манбаи бўлиб, бу жаҳон миқёсида математик таҳлил соҳаларида янги усулларни жорий этишга, хусусий дифференциал тенгламаларга асосланган чизиқсиз масалаларга келтирилади. Замонавий таҳлилнинг янги усулларининг муваффақияти математикага чизиқли бўлмаган дунёдаги муҳим саволларга қатъий жавоб беришга имкон беряпти. Физик жараёнларнинг чизиқли математик моделларини ўрганиш, уларни ечишнинг қисман ишлаб чиқилган умумий усуллари чизиқли дифференциал тенгламаларни ўрганиш учун мос келади. Амалда эса энг долзарб физик муаммолар ночизиқли кўринишда бўлиб, бу каби жараёнларни аниқ тасвирлаш учун чизиқли бўлмаган математик моделлардан фойдаланиш, сонли ечиш алгоритмлари ва амалий дастурлар мажмуини яратиш муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмокда.

Ҳозирги кунда жаҳонда қатор фундаментал муаммолар ночизиқли жараёнларни математик моделлаштириш, визуаллаштириш усуллари ва воситаларини такомиллаштирилиши, икки карра ночизиқли фильтрация, реакция-диффузия масалалари ечимларининг муҳим натижаларини амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади. Жумладан икки карра ночизиқли тенгламалар ечимларининг сифат хоссаларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш юзасидан чизиқли бўлмаган моделларни ўрганиш натижасида визуаллаштириш усулларини ишлаб чиқиш; ночизиқли жараёнларни ўрганишга ёрдам берувчи комплекс дастурлар яратиш; хисоблаш эксперименти технологиясини кенг қўллаш, вақт бўйича эволюцион жараённи назорат қилиш усулини, параметрларнинг динамик ўзгаришига боғлиқ хоссаларини аниқлашнинг компьютерлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган амалий математиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди, хусусан, чизиқсиз жараёнларни математик моделлаштириш ва тақрибий усуллар воситасида олинган натижаларни кенг татбиқ муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда “Математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди[1]. Мазкур қарор ижросини таъминлашда фильрация, реакция-диффузия жараёнларини моделлаштириш ва ечимларнинг сифат хоссаларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги ВМҚ 292-сон қарори “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”.

2020 йилнинг Давлат раҳбари томонидан “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиши Республика миқёсида илмий тадқиқот йўналишининг айниқса жараёнларни автоматлаштириш ва сонли усуллардан фойдаланишнинг муҳимлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувидаги маърузаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ночизиқли математик моделларнинг янги хоссалари тарқалиш тезлигини чеклилиги, фазовий локаллашиш, чекли вақтда сўниш, локаллашган чегараланмаган (blow up) ечимлар ва бошқа ҳодисаларини ўрганиш дастлаб чизиқсиз фильтрация жараёни учун Г.И.Баренблатт, чизиқсиз иссиқлик ўтказувчанлик масаласида Я.Б.Зельдович, А.С.Компанейц, реакция-диффузия учун Pattle ишларида бир-биридан мустақил тарзда ўрганилган. Кейинчалик мазкур математик масалалар ва ночизиқли масалар билан шуғулланиш дунё олимлари томонидан мунтазам ўрганила бошланган. Таниқли математиклар А.А.Самарский, О.А.Олейник, Ж. Лионс, Ж. Жунгел, А.С.Калашников, Фридман А., Х. Васкес, Б.Кнерр, В. А. Галактионов ва уларнинг шогирдлари, шунингдек кўплаб бошқа таниқли дунё математиклари ишларида ўрганилиб келмоқда.

Чизиқли бўлмаган чегаравий муаммоларни ечиш ҳар доим сезиларли қийинчиликларни туғдиради, боиси уларни аналитик усулда ечиш фақат айрим хусусий ҳоллардагина мумкин бўлади, ечимларнинг янги хусусиятларини аниқлаш эса мураккаб тадқиқотларни талаб қилади. Шунинг учун, ечимларнинг хусусиятларини ўрганишда турли хилдаги аниқ ва тақрибий усулларга мурожаат қилинади. А. А. Самарский, В. А. Галактионов, А. С. Калашников, Л. К. Мартинсон, Р. Кершнер, Г. И. Баренблатт, Б. Ф. Кнерр, Чен Хинфу, Қи Й. W. , Жонг-Ченг Гуо, Комбе Исмаил, Кусано Такаси, Томоюки Танигава, И.Т. Кигурадзе, С. Н. Димова ва бошқалар томонидан кенг изланишлар олиб борилган. Ночизиқли параболик масалалар ечимларини ўрганишнинг математик назарияси О. А. Олейник, О. А. Ладиженская, А. С. Калашников, Ж. Лионс, А. А. Самарский, С. П. Курдюмов, А. М. Михайлов, В. А. Галактионов, Р. Кершнер, А. Н. Колмогоров, И. Г. Петровский, Н.С. Пискунов, А. Ф. Тедеев, М. Агуэх, А. Бланше, Дж.А. Каррильо, А. Хозанов, А. Фридман, П. Е. Суганидис, А. Гмира, л. Верон, Лейси, А. Фридман, Б. Маклеод. С. Му , Р. Цзэн, Чжоу, Ю. Ли, Ю. Ван, С. В. Пао, Д. Г. Аронсон, Л. Каффарелли, В. Антонце, В. Эрреро, В. Б. Дэн, С. Гуй, Х. Кан, С. Л. Му, Л. Дебнат, Ф.С. Ли, С. Н. Се, Г. Рейес, А. С. Анчез, Гаццола Ф., Скуассина М., Х. Чжан, Х. Л., М. Х. Ван, Л. Л. Дю, С. А. Мессаоуди, Витилларо Е., М. Чунлаи, Х. Хуеганг, Л. Юхуань, С. Зежиан, Рауль Феррейра ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Бугунги кунга келиб, А. Бегматов М. Арипов, Б. Хужаяров, А. Т. Ҳайдаров, Ч. А. Садуллаева, Ф. Кабилжанова, З. Рахмонов, А. Матякубов, Д. Мухаммадиева ва республика бошқа олимларининг параметрларнинг муайян қийматларига мос келадиган автомодел ечимларнинг муҳим ахамият касб этиши кўрсатилган. Шунинг учун параболик турдаги чизиқли бўлмаган чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш, турли жараёнларни автомодел ва тақрибий автомодел ёндашув асосида тавсифлашга катта аҳамият берилади. Натижада турли сифат хоссалари ва янги ходисалар учун шартлар исботланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг Ф-4-30-сонли “Икки марта ночизиқли кросс системанинг манба, конвектив кўчиш, ўзгарувчан зичлик, манба ёки ютиш таъсиридаги сифат хоссаларини тадқиқ килиш” ва MRU-OT-81/2017 “Математическое моделирование термодинамически согласованной математической модели двух фазных сред в диссипативном приближении с перекрестными эффектами” мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - ўзгарувчан зичликка эга ва коэффициенти вақтга боғлиқ бўлган ночизиқли фильтрация (иссиқлик ўтказувчанлик, диффизия) жараёнларининг математик моделларини аналитик-сонли ечиш ҳамда сифат хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ночизиқли бузиладиган коэффициенти вақтга боғлиқ бўлган параболик тенгламалар билан тасвирланувчи физик жараёнларни (фильтрация, иссиқлиқ ўтказувчанлик, диффузия) янги сифат хоссаларини аниқлаш;

икки карра ночизиқли коэффициенти вақтга боғлиқ бўлган бузиладиган параболик тенгламалар ечимлари баҳоларини олиш ва автомодел ечимлари асимптотикаларини топиш;

бир ёки икки компонентли муҳитдаги вақтга боғлиқ бўлган бузилувчан икки карра ночизиқли параболик тенгламалар билан тасвирланувчи фильтрация жараёнларида конвектив кўчиш, ўзгарувчан зичлик, ютилиш ёки манбаа таъсирида янги ночизиқли эффектлар пайдо бўлишини исботлаш;

параболик турдаги кросс-системалар (икки компонентали ночизиқли муҳит) билан ифодаланувчи фильтрация, иссиқлик тарқалиш, суюқлик ва газларнинг диффузияси масалаларини янги хоссаларини ўрнатиш;

ўрганилаётган ночизиқли жараёнларни компьютерда ечишнинг ҳисоблаш схемаси, сонли усуллари, ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурлар мажмуасини яратиш ва натижаларини визуаллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти даражали ночизиқликка эга бузиладиган турдаги параболик тенгламалар ва системалар билан ифодаланувчи чизиқсиз фильтрация, иссиқлик ўтказувчанлик, диффузия жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети вақт бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти ва даражали ночизиқликка эга фильтрация жараёнларининг ночизиқли математик моделлари, сонли алгоритмлар ва дастурий воситалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқот ишида чизиқсиз ажратиш алгоритми, ечимларни таққослаш теоремалари, автомодел ва тақрибий автомодел ечимларни қуриш усуллари, сонли итерацион усуллар, ўзгарувчан йўналишлар усулидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

даражали ночизиқликка эга бўлган бузилувчан параболик типдаги тенгламалар билан ифодаланувчи фильтрация ва иссиқлик тарқалиш моделлари учун чизиқсиз ажратиш усули ёрдамида автомоделва тақрибий автомодел ечимлар қурилган;

фильтрация ва иссиқлик тарқалишининг ночизиқли моделлари учун локаллашган структуралар ҳосил қилинган;

дивергент турдаги кучли ютилиш ёки манба таъсиридаги ночизиқли фильтрация ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун Коши масаласининг глобал ечимлари қурилган ва эркин чегаралар баҳолари олинган;

дивергент турдаги кучли ютилиш ёки манба таъсиридаги ночизиқли фильтрация масаласини сонли ечиш схемаси ва алгоритми қурилган ва дастурий таъминоти яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари назарий аҳамиятга эга. Олинган натижалар чизиқсиз муҳитда тарқалиш назарияси билан шуғулланувчи мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида, абстракт, ички ва чегаравий масалаларга мос моделларни сонли ечишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик мулоҳазалар ва исботларнинг қатъийлиги, математик физиканинг чизиқсиз масалалар назариясининг усулларидан фойдаланиш, чизиқсиз ажратиш усул ёрдамида олинган бошланғич натижалар компьютерли моделлаштириш натижаларига мутаносиблиги, масаланинг аниқ ечим билан таққосланиши ва ҳисоблаш экспериментини ўтказиш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Фильтрация коэффициенти вақтга боғлиқ бўлган икки карра ночизиқли параболик тенгламаларни математик моделлаштириш синфлари учун назарий асосларни ишлаб чиқишдан иборат. Олинган янги эффектлар масалаларни сонли моделлаштириш имконини беради ва мос дастурлар мажмуининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Диссертацияда олинган натижалардан ночизиқли фильтрация, қиздириш, диффузия, биологик популяция ва вирус тарқалишининг математик моделларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек ночизиқли параболик тенгламалар назариясини янада ривожлантиришда ҳам ахамиятга эга. Фильтрация жараёнининг ночизиқли таъсири чекланган вақт давомида содир бўлгандаги олинган шартлар, локализацияланган ечимларидан математик физиканинг бошқа ночизиқли муаммоларини ва амалий муаммоларни ҳал қилиш хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Даражали ночизиқликка эга бўлган бузилувчан параболик тенгламалар билан ифодаланувчи чизиқсиз моделлар ечимларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

инфильтрация таъсиридаги ночизиқли фильтрация масаласининг автомодел ечимлари асимптотикаларидан ЁОТ-Фтех-2018-149 рақамли «Математическое моделирование нелинейных процессов фильтрации в двухкомпонентных средах, описываемых нелинейными граничными условиями» грант лойиҳасида параболик типдаги ночизиқли тенгламалар системасини сонли ечишда фойдаланилган(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2436-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши нолокал чегаравий шартлар билан берилган политропик фильтрация масаласи учун итерацион жараён қуриш ва сонли натижаларни визуаллаштириш имконини берган;

ночизиқли системалар учун юқори ечимни қуриш усулидан ЁОТ-Фтех-2018-149 рақамли «Математическое моделирование нелинейных процессов фильтрации в двухкомпонентных средах, описываемых нелинейными граничными условиями» грант лойиҳасида нолокал чегаравий шартлар билан боғланган ночизиқли параболик системаларнинг глобал ечимларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2436-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши нолокал чегаравий шартлар билан берилган политропик фильтрация масаласи учун ечимларнинг глобал бўлиш шартларини топишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 11 та халқаро ва 4 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган. Шунингдек, яратилган дастур учун муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Мазкур тадқиқот ишида умумий умумий маънода қуйидаги тенглама билан ифодаланадиган масала ўрганилади:

$$Lu \equiv |x^l| \frac{\partial u}{\partial t} - \sum_{i=1}^{N} \left(\frac{\partial}{\partial x_i} \left((k_1(t,x) u^{m-1} \left| \frac{\partial u^k}{\partial x_i} \right|^{p-2} \frac{\partial u}{\partial x_i} \right) + \frac{\partial}{\partial x_i} (c_i(t) u) \right) + \varepsilon \gamma(t,x) u^{\beta} = 0 \quad (1)$$

$$u\Big|_{t=0} = u_0(x) \ge 0, x \in R^N \quad (2)$$

бунда $\varepsilon = \pm 1,\ k \ge 1,\ \beta > 0$ - берилган сонли параметрлар $\gamma(t) > 0,\ c_i(t),\ k_1(t) > 0$, $t > 0$ да узлуксиз функциялар, $|x^l|$ эса $l < 2$ бўлганда бир жинсли бўлмаган муҳитни ифодалайди.

(1), (2) масала қатор биологик ва кимёвий жараёнлар, тарқалиш тезлиги $c_i(t)$, $i = 1,2,..,N$, вақтга боғлиқ бўлган конвектив кўчиш иштирокидаги чизиқсиз реакция-диффузия жараёнларни ўз ичига олган турли физик жараёнларни ифодалайди. Бунда функция $\gamma(t)u^{\beta}$ манба кучини $(\varepsilon = +1)$ ёки $(\varepsilon = -1)$ ҳолат эса ютилиш мавжудлигини ифодалайди.

Шунингдек бир жинсли бўлмаган муҳитда кросс-диффизия ходисасини ифодаловни қуйидаги системанинг хусусиятлари тадқиқ қилинади:

$$\begin{aligned} |x|^{-l} \frac{\partial u}{\partial t} &= div\left(k_1(t)\,|x|^n\, v^{m_1-1} \left|\nabla u^k\right|^{p-2} \nabla u\right) \\ |x|^{-l} \frac{\partial u}{\partial t} &= div\left(k_1(t)\,|x|^n\, u^{m_2-1} \left|\nabla v^k\right|^{p-2} \nabla v\right) \end{aligned} \quad (3)$$

Мазкур система қатор физик жараёнлар шу жумладан коэфициенти вақтга боғлиқ бўлган ва ўзгарувчан зичликка эга бўлган икки компонентали ночизиқли муҳитда политропик фильтрация, кросс диффузия, иссиқлик ўтказувчанлик, биологик популяция жараёнларини тасвирлайди. Хусусан $(k_1 = 1, k = 1, p = 2, l = 0)$ ҳол кўплаб илмий ишларда ўрганилган. Натижада Коши масаласининг фундаментал ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги, иссиқлиқ тарқалиш тезлигининг чеклилиги эффекти ва асимтотик хоссалари олинган. Ушбу диссертация ишида бошқа ишлардан фарқли ўлароқ икки карра ночизиқлиликка эга кросс-система учун ўзгарувчан зичликнинг таъсири ва критик холатлар аниқланган ва ўрганилган.

Биринчи "Даражали ночизиқли фильтрация жараёни моделининг хоссаларини тадқиқ қилиш" бобида масаланинг қўйилиши, диссертация мавзусига оид тадқиқот ишларининг қисқача шархи, шунингдек, кейинчалик натижаларни муҳокама қилиш учун зарур бўлган айрим ёрдамчи тасдиқлар ва таърифлар берилган.

1.1-параграфда Даражали ночизиқликка эга фильтрация тенгламаларининг айрим тадқиқотлари натижалари ҳақида қисқача маълумот берилган.

1.2-параграфда ишда қўлланиладиган ечимларнинг ёрдамчи тасдиқлари, таърифлари ва теоремалари келтирилган.

1.3 параграфда $Q = \{(t,x) : t > 0, x \in R^N\}$ соҳада

$$Lu \equiv \frac{\partial u}{\partial t} - \nabla(k_1(t)u^{m-1}\left|\nabla u^k\right|^{p-2}\nabla u) + div(c(t)u) + \varepsilon\gamma(t)u^{\beta} = 0 \tag{4}$$

$$u\Big|_{t=0} = u_0(x) \geq 0, x \in R^N \tag{5}$$

Коши масаласи билан ифодаланган фильтрация, реакция-диффузия жараёнларининг чизиқсиз моделларининг хоссалари ўрганилади. Бунда $\varepsilon = \pm 1$, $m \geq 1, \beta > 0$ - берилган сонли қийматлар, $\nabla(.) = grad_x(.)$, $\gamma(t) > 0$, $c(t)$ - конвектив кўчиш тезлигини ифодаловчи векторлар, $t > 0$ бўлганда $k_1(t) > 0$ ўринли.

(4), (5) масала ечимларининг $k_1(t) = cons$, $\gamma(t) = 1$ бўлгандаги хусусий ҳолларида m, k, p, β -сонли параметрлар учун манба ($\varepsilon = +1$) ёки ютилиш ($\varepsilon = -1$) мавжуд бўлгандаги турли хоссаларининг тадқиқи билан кўплаб олимлар шуғулланишган ва қатор чизиқсиз эффектлар жумладан жиддийлаш, фазовий локализация, ечимларнинг чегаравий хоссалари, катта вақт оралиғидаги ассимптотикалари, глобал ечимлар ва х.к.

§1.4 да $Q = \{(t,x) : t > 0, x \in R^N\}$ соҳада қуйидаги Коши масаласи билан ифодаланувчи фильтрация жараёнлари чизиқсиз моделининг хоссалари ўрганилган:

$$\begin{gathered} c(t,x)\frac{\partial u}{\partial t} = div(b(t,x)u^{m-1}\left|\nabla u^k\right|^{p-2}\nabla u^l), \\ u(0,x) = u_0(x) \geq 0 \end{gathered} \tag{6}$$

Радиал-симметрик кўринишдаги ушбу тенгламада хаттоки ютилиш ёки конвектив кўчиш иштирок этмаган холатларда ҳам фильтрация жараёнларининг (иссиқлик тарқалишининг) локаллашиш холатлари кузатилади. Икки карра ночизиқликка эга параболик турдаги тенгламалар ечимлари тўлқинлари тарқалишининг чеклилилик ходисаси, икки карра ночизиқли критик ҳоллар учун ечимларнинг бахолари, сонли қийматларга мос равишда икки карра ночизиқли автомодел ечимларнинг ассимптотикалари ўрганилди. Зельдович-Баренблатт туридаги ечимлар асосида локализация шартлари олинган.

2-Боб "Конвектив кўчиш иштирокидаги ночизиқли фильтрация жараёни масаласи ечимлари ва эркин чегараларининг баҳолари" да фильтрация жараёнларини ўрганиш ва конвектив кўчиш иштирокидаги ночизиқли муҳитдаги тезлиги вақт ва ҳажмга боғлиқ, шунингдек суюклик ютилиши, суюқлик "оқими" кучи маълум параметрлардан ташкил топган функцияси деб фараз қилинса локализация ҳодисаси хаттоки ютилиш мавжуд бўлмаганида ҳам содир бўлади. Бу жараёнларни тасвирловчи математик моделни қуйидаги масала сифатида ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial u}{\partial t}=div(k_1(t)\left|x\right|^n\left|\nabla u^k\right|^{p-2}\Delta u)+\varepsilon f(t)u^\beta \tag{7}$$

$$\int_0^\infty k_1(t)dt<\infty,\ \ u(0,x)=u_0(x)\geq 0, x\in R^N \tag{8}$$

Бунда 1) с*(t)=0, f(t)=0; 2)* n=0, *f(t)=0;* 3) n=0, $\beta=1$; 4*) n=0,* $0<\beta<1$; 5) с*(t)=0,* $\beta=1$ параметрларга мос холатлар алохида қаралади.

2.1 параграфда $\beta>1$ ҳол секин ва кучли ютилиш ҳолати $(0<\beta<1)$ учун глобал ечимларнинг мавжудлик шартларини, чизиқли ажратиш алгоритми асосида физик маъноға эга бўлган умумлашган ечимлар синфида қаралади ва эркин чегаралар учун баҳолар ҳосил қилинди.

Агар $\beta=1$ бўлса у холда конвектив кўчишнинг вақтга боғлиқ тезлик билан харакати бир томонлама локализациянинг ночизиқли таъсирига ва эркин чегара учун "девор" ҳодисасига олиб келиши исбот қилинган.

Вақтга боғлиқ бўлган ўтказувчанлик коэффициентига эга фильтрация бузилишининг фазовий локализацияси масаласи кўриб чиқилади ушбу холат даража кучига кўра, суюқлик тўлқинлари қўзғалиши чекли тезликда тарқалиб, тўлқиннинг олд (эркин чегарасини) ҳосил қилганда юзага келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунингдек 1) *c(t)=0, f(t)=0.* бўлганда автомодел таҳлилдан фойдаланиб Зельдович-Компанец-Баренблат-Паттл туридаги қуйидаги ечим ҳосил қилинади:

$$u(t,x)=[T+\tau(t)]^{-s/(p+k(p-2)+m-1)s}f(\xi),$$
$$f(\xi)=(a-b\xi^{p/(p-1)})_+^{\frac{(p-1)}{(k(p-2)+m-1}},k\left(p-2\right)+m-1>0 \tag{9}$$
$$\xi=\varphi(|x|)[T+\tau_1(t)]^{-1/p},\varphi(|x|)=\frac{p}{p-n}|x|^{(p-n)/p},$$
$$n<p,\, b=(k\left(p-2\right)+m-1)1/p)^{1/(p-1)}$$
$$\tau_1(t)=[\frac{p+k\left(p-2\right)+m-1)s}{p}][T+\tau(t)]^{p/[p+k(p-2)+m-1)s]},\tau(t)=\int_0^t k_1(y)dy,$$
$$s=pN/(p-n),\ (a)_+=\max(0,a),T\geq 0$$

Ушбу ечим асосида тўлқин тарқалиш тезлиги чеклилиги, ИТТЧ (FSPD-Finite speed peturbation distrubution) ва ечимларнинг фазовий локализация ҳодисалари пайдо бўлиши кўрсатилган ва уни ҳосил бўлиш шартлари *p>n, k(p-2)+m-1>0,* $\int_0^\infty k_1(t)dt<+\infty$ эканлиги исбот қилинган.

Агар $(k\left(p-2\right)+m-1=0)$ бўлса у холда (7) тенгламанинг ечими қуйидагича топилади $\int_0^\infty k_1(t)dt<\infty,\int_0^\infty c(t)dt<\infty$

$$u(t,x)=[T+\tau(t)]^{-N/(p-n)}f(\xi),\tau(t)=\int_0^t k_1(y)dy \quad T\geq 0 \tag{10}$$
$$\xi=\varphi(|x|)[T+\tau(t)]^{-1/p},\varphi(|x|)=\frac{p}{p-n}|x|^{(p-n)/p},\ n<p,$$
$$f(\xi)=\exp(-\frac{p-1}{p^{p/(p-1)}k^{p-2}}\xi^{p/(p-1)})$$

Қуйидаги функцияни киритамиз.

$$z(t,x)=[T+\tau(t)]^{-\alpha}f(\xi),$$
$$f(\xi)=(a-b\xi^{p/(p-1)})_+^{\frac{(p-1)}{(k(p-2)+m-1}},(k\left(p-2\right)+m-1>0$$
$$\xi=\varphi(|x|)[T+\tau(t)]^{-1/p},\varphi(|x|)=\frac{p}{p-n}|x|^{(p-n)/p}, \tag{11}$$
$$n<p,\, b=(k\left(p-2\right)+m-1)1/p)^{1/(p-1)}$$
$$\tau_1(t)=\frac{[T+\tau(t)]^{1-\alpha(k(p-2)+m-1)}}{1-\alpha(k\left(p-2\right)+m-1)},\tau(t)=\int_0^t k_1(y)dy,\ s=pN/(p-n),\ T\geq 0$$

1-Теорема. Фараз қиламиз (11) да қуйидаги шартлар бажарилсин:

1) *c(t)=0, f(t)=0:*

$$k(p-2)+m-1>0,\ \frac{\alpha}{1-\alpha(k(p-2)+m-1)}\le N/p,$$

$$\tau(t)=\int_0^t k_1(y))dy<\infty,\ \forall t>0,\ \ u_0(x)\le z(0,x),x\in R^N$$

у холда (11) масаланинг умумлашган ечими учун Q да $u(t,x)\le z(t,x)$ баҳо ўринли бўлади ва масаланинг ечими фазовий локализацияга эга бўлади.

Бу теорема икки карра ночизиқли муҳитда ўтказувчанлик коэффициенти (диффузия, политропик фильтрация) вақтга боғлиқ бўлса, ечимнинг фазовий локализацияси ҳодисаси рўй беришини кўрсатди.

2) $n=0$, $f(t)=0$ бўлгандаги холат ўрганилганда агарда $k(p-2)+m-1>0$, $\int_0^\infty (k_1(t))dt<\infty, \int_0^\infty (c(t))dt<\infty$ бўлса у ҳолда вақтга боғлиқ ўзгарувчан муҳитдаги тўлқин шаклидаги ечимнинг локализация (диссипатив тўлқин структураси) ходисаси таққослаш принципи асосида пайдо бўлади.

Бунда $0<\beta<1$ (кучли инфильтрация) бўлгандаги ҳолатлар алоҳида қаралади. Унинг таъсирида жараённинг вақтга боғлиқ равишда локализациясига сабаб бўлади.

Дастлаб (10) бир ўлчовли тенгламанинг $\beta=p-(k(p-2+m))/(p-1)$ бўлганда битта аниқ умумлашган ечими қурилган. Бу ечим шуниси билан эътиборлики, у (10) тенгламанинг тўлқин шаклидаги умумлашган ечимларининг локализацияси (янги эффект) мавжудлигини кўрсатади.

Ечимни қуриш учун қуйидагича алмаштириш бажарамиз:

$$u(t,x)=\omega(t,\xi),\ \ \xi=\int_0^t c(\eta)d\eta-x \tag{12}$$

Сўнгра (12) тенглама кўринишини ўзгартирамиз

$$\frac{\partial\omega}{\partial t}=\xi^{1-N}\frac{\partial}{\partial\xi}(\xi^{N-1}k_1(t)\left|\frac{\partial\omega^k}{\partial\xi}\right|^{p-2}\frac{\partial\omega}{\partial\xi})+\varepsilon f(t)\omega^\beta,\varepsilon=\pm1 \tag{13}$$

Агар $k_1(t)=f(t)$ у холда (13) тенглама қуйидаги радиал-симметрик шаклга келтирилади.

$$\frac{\partial\omega}{\partial\tau}=\xi^{1-N}\frac{\partial}{\partial\xi}(\xi^{N-1}\omega^{m-1}\left|\frac{\partial\omega^k}{\partial\xi}\right|^{p-2}\frac{\partial\omega}{\partial\xi})+\varepsilon\omega^\beta,\varepsilon=\pm1 \tag{14}$$

бунда $\tau(t)=\int_0^t k_1(\eta)d\eta$

Бир ўлчовли холда $\beta=p-(k(p-2+m))/(p-1)$ (11) тенгламанинг қуйидаги ечими топилади.

$$u(t,x)=\begin{cases} A(v\tau(t)-\xi)_+^{((p-1)/k(p-2)+m-1}, & \xi<v\tau(t),\ \ \xi=\int_0^t c(\eta)d\eta-x \\ 0 & \xi\ge v\tau(t) \end{cases} \tag{15}$$

Бунда *A*- амплитуда қуйидаги алгебраик тенгламани

$$(\gamma_1 k)^{p-2}\gamma_1 A-\gamma A^{\beta-1}+\varepsilon\gamma_1 v=0,\quad \gamma_1=(p-1)/k(p-2)+m-1$$

ечими бўлиши кўрсатилган. Агар $\int_0^\infty k_1(t)dt<\infty, \int_0^\infty c(t)dt<\infty$ шарт бажарилса у ҳолда диссипатив тўлқин шаклидаги локализациялашган ечим хусусиятларига эга ечим ва ўзгармас тезлик c га мос фронт қурилади.

Агар $\tau(t)=\int_0^t k_1(\eta)d\eta<+\infty$ бўлса ечим қуйидаги янги хоссага эга бўлади:

$\forall t>0$ да суюклик тўлқинлари шаклидаги ечимлар фазовий локаллашади.

(7) (8) масаланинг $k_1(t)=f(t)$ бўлгандаги бир ва кўп ўлчовли ҳоллардаги ечимларининг баҳолари ва эркин чегаралари тадқиқ қилинди.

Қуйида етарлича дифференциал функциялар $k_1(t)>0, f(t)>0$ учун t>0да ечимлар ва эркин чегаралар учун баҳолар олинган.

$k_1(t)=f(t), \forall t>0$ бўлганда тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хаттоки ютилиш мавжуд бўлмаган холатда хам фазовий ўзгарувчи таъсирида ечимлар локализацияси кузатилади.



***Расм1**: Бир ўлчовли холда локаллашган тўлқин струкуралари*

1-Лемма. $u(t,x)$ (7) - (8) масаланинг умумлашган ечими бўлсин, ва $z(t,x)$ $z(t,x)\in C^{1,2}_{t,x}(Q\setminus D)\cap C(D)$ да бунда

$Q=\{(t,x):t>0,x\in R^N\},D=\{(x,t):t>0,|x|<l(t)\}$ ва D да $Lz>0$ ва $u(0,x)\le z(0,x),x\in R^N$ бўлса у холда Q да $u(t,x)\le z(t,x)$ ўринли бўлади. Чизиқсиз ажратиш алгоритми асосида бўлғуси юқори ечим $z_+(t,x)$ қурилди. Сўнгра $Lz_+(t,x)$ оператори ҳисобланди ва $D=\{(t,x):t>0,|x|<l(t)\}$ ёпиқ соҳада $Lz_+(t,x)<0$ эканлигини исботлаш мумкин. Кейинги босқичда таққослаш теоремасидан фойдаланиб, 1-теоремада келтирилган ечимларнинг баҳоларини ва эркин чегараларини ҳосил қиламиз.

2-Теорема. Фараз қилинг (11) да $\varepsilon=+1,u_0(x)\le\tilde{z}(0,x),x\in R^N$ ва $\frac{f(t)}{k(t)}\tilde{u}^{\beta-k(\mathrm{p}-2)+m)}(t)\tau(\mathrm{t})<\frac{N}{p}$ шарт ўринли бўлсин, у холда етарлича кичик $u_0(x)$ учун (16), (17) масала глобал ечимга эга ва бу ечим учун Q да $u(t,x)\le z(t,x)$ баҳо ўринли.

2.2-параграфда кўп ўлчовли холда қуйидаги чизиқсиз фильтрация масаласи ечимларининг ассимптотик хоссалари тадқиқ қилинади:

$$Lu\equiv\frac{\partial u}{\partial t}-div(k_1(t)u^{m-1}\left|gradu^k\right|^{p-2}gradu)+div(c(t)u)+\varepsilon\gamma(t)u^\beta=0 \qquad (16)$$

$$u(0,x)=u_0(x)\ge 0,x,v(t)\in R^N \qquad (17)$$

Бунда қуйидаги 3-теоремада ечимнинг бахолари ва эркин чегаралар олинган.

Теорема 3. $k(p-2)+m-1>0$ бўлсин ва қуйидагилар бажарилсин

$$\frac{\gamma(t)}{k_1(t)}\tau(t)\overline{u}^{\beta-k(p-2)+m)}\le N/p,\forall t>0,\tau(t)=\int_0^t k_1(y)\int_0^y[\overline{u}(t)]^{k(p-2)+m-1}dt,$$

$$u_0(x)\le z_+(0,x),x\in R^N,z_+(t,x)=\overline{u}(\tau(t))\overline{f}(\xi),\ \overline{f}(\xi)=(a-b\xi^{p/(p-1)})_+^{\frac{(p-1)}{(k(p-2)+m-1}} \qquad (18)$$

$$\tau_1(t)=\frac{[T+\tau(t)]^{1-\alpha(k(p-2)+m-1)}}{1-\alpha(k\left(p-2\right)+m-1)},\tau(t)=\int_0^t(1/k_1(y))dy,$$

$$s=pN/(p-n),\ T\ge 0,\ (a)_+=\max(0,a)$$

$$(k\left(p-2\right)+m-1>0$$

$$\xi=\varphi(|x|)[\tau_1(t)]^{-1/p},\varphi(|x|)=\frac{p}{p-n}|x|^{(p-n)/p},\ n<p,\ b=(k\left(p-2\right)+m-1)1/p)^{1/(p-1)}$$

У холда (16), (17) тенгламанинг умумлашган ечими учун Q да $u(t,x)\le z_+(t,x)$ ўринли ва эркин чегаралар қуйидагича бахоланади:

$$\left|\int_0^t c(y)dy-x\right|\le l(t)=(a/b)^{(p-1)/p}[\tau(t)]^{1/p},\ \tau(t)=\int_0^t k_1(y)\int_0^y[\overline{u}(t)]^{k(p-2)+m-1}dt$$

Теорема $k_1(t)$ ва $f(t)$ функцияларнинг танланган қийматларида ўринли эканлиги исботланди ва хусусан $(k_1(t)=f(t)=1,\ N=1)$ да аввалги ишларда олинган натижаларни такрорлайди.

$\beta>1$ ва кучли ютилиш $0<\beta<1$ ҳоллари учун ва чизиқсиз ажратиш усули ёрдамида умумлашган ечимларнинг ва эркин чегаралар баҳолари хосил қилинган. $\beta=1$ бўлганда бир томонли локализациянинг чизиқсиз эффектлари ва эркин чегараларнинг “девор” ҳосил қилиш ҳодисаси Зельдович-Баренблатт-Паттле туридаги ечимлар ва таққослаш теоремалари ёрдамида аниқланади.

$$u(t,x)=\bar{u}(t)[T+\tau(t)]^{-\frac{N}{p+k(p-2)+m-1)N}} f(\xi), \bar{u}(t)=\exp(-\int_0^t \gamma(y)dy) \qquad (19)$$

$$f(\xi)=(a-b\xi^{\frac{p}{p-1}})_+^{\frac{(p-1)}{(k(p-2)+m-1}}, a>0,\ k\left(p-2\right)+m-1>0$$

$$\xi=\eta[T+\tau_1(t)]^{-1/p},\ \eta=\int_0^t c(y)dy-x,\ b=(k\left(p-2\right)+m-1)(1/p)^{1/(p-1)}$$

$$\tau_1(t)=[\frac{p+k\left(p-2\right)+m-1)N}{p}][T+\tau(t)]^{\frac{p}{p+k(p-2)+m-1)N}},$$

$$\tau(t)=\int_0^t (k_1(x)dx)\int_0^x [\bar{u}(y)]^{k(p-2)+m-1}dy,\ \ (a)_+=\max(0,a), T\geq 0$$

2.3 параграфда $\Omega=\{(x,t):0<t<T,\ 0<x<b\}$ қуйидаги кўринишдаги фильтрация тенгламасининг сонли ечимлари қурилади, ҳисоблаш усуллари тадқиқ қилинади:

$$Lu\equiv -u_t+\frac{\partial}{\partial x}\left(K(t)u^{\sigma}\frac{\partial u}{\partial x}\right)-div(C(t)u)+\varepsilon\ \gamma(t,x)u^{\beta}=0$$

$$u(0,x)=\psi\left(x\right)\geq 0,$$

$$\begin{cases} u(t,0)=\varphi_1(t)>0 \\ u(t,b)=\varphi_2(t)=0 \end{cases}$$

бошланғич ва чегаравий шартлар асосида сонли натижалар олинган:

$N=20,\ M=20, K=20,$ $T=0,\ \beta=0.2,\ \sigma=0.5$	$N=20,\ M=20, K=20,$ $T=0.15,\ \beta=0.2,\ \sigma=0.5$
	
$N=20,\ M=20, K=20,$ $T=0.5,\ \beta=0.2,\ \sigma=0.5$	$N=20,\ M=20, K=20,$ $T=1,\ \beta=0.2,\ \sigma=0.5$



2-Расм: Вақтнинг турли қийматларида филтрация тўлқинларининг холатлари

3-боб “Фильтрация мдели учун кросс-системалар” ўзгарувчан зичлик ва ютилиши таъсиридаги кросс-системалар учун Коши масаланинг сифат хоссаларини ўрганишга бағишланган. Бундай масалалар битта тенглама учун ғовак муҳитда зичлик кўрсаткичининг ортишига қараб кўплаб олимлар Дж. Васкес, В. Галактионов, Р. Кинг, Х. Чавес, У. Егер, С. Лакхаус, М. Эскобедо, М. А. Эрреро ва бошқалар томонидан ўрганилган.

3.1 параграфда $Q=\{(t,x): t>0, x\in R^N\}$ соҳада бир жинсли бўлмаган муҳитда кросс-диффизия ходисасини ифодаловни қуйидаги системанинг хусусиятлари тадқиқ қилинади:

$$\begin{aligned} &|x|^{-l}\frac{\partial u}{\partial t}=div\left(k_1(t)\,|x|^n\, v^{m_1-1}\left|\nabla u^k\right|^{p-2}\nabla u\right)\\ &|x|^{-l}\frac{\partial u}{\partial t}=div\left(k_1(t)\,|x|^n\, u^{m_2-1}\left|\nabla v^k\right|^{p-2}\nabla v\right)\end{aligned} \qquad (20)$$

$$u(0,x)=u_0(x)\ge 0, \qquad v(0,x)=v_0(x)\ge 0,\ x\in R^N \qquad (21)$$

бунда $k\ge 1, n, p, m_i, i=1,2$ - берилган мусбат қийматлар, $\nabla(.)-\underset{x}{grad}(.)$, $u_0(x),\ v_0(x)\ge 0,$ -функциялар $x\in R^N$. Бу система қатор физик жараёнлар шу жумладан коэфициенти вақтга боғлиқ бўлган ва ўзгарувчан зичликка эга бўлган икки компонентали ночизиқли муҳитда политропик фильтрация, кросс диффузия, иссиқлиқ ўтказувчанлик, биологик популяция жараёнларини тасвирлайди. Хусусан $(k_1=1, k=1, p=2, l=0)$ ҳол кўплаб илмий ишларда ўрганилган.

(20) система соҳада $u=v=0$ бўлганда бузилувчан ва бузилиш соҳасида классик ечимга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун (20) системанинг қуйидаги физик хусусиятларга эга умумлашган ечими ўрганилади: $0\le u,v\in C(Q)$ ва $k_1(t)\,|x|^l\, v^{m_1-1}\left|\nabla u^k\right|^{p-2}\nabla u,\ k_1(t)\,|x|^l\, u^{m_2-1}\left|\nabla v^k\right|^{p-2}\nabla v\in C(Q)$ қуйидаги интеграл тенгликни қаноатлантиради

$$\begin{aligned} &\int_0^t\int_\Omega [|x|^{-l}u\frac{\partial\psi}{\partial t}+k_1(t)|x|^n\, v^{m_1-1}\left|\nabla u\right|^{p-2}\nabla u\nabla\psi-\int_\Omega \psi u_0]dxdt=0\\ &\int_0^t\int_\Omega [|x|^{-l}v\frac{\partial\psi}{\partial t}+k_1(t)|x|^n\, u^{m_2-1}\left|\nabla v\right|^{p-2}\nabla v\nabla\psi-\int_\Omega \psi u_0]dxdt=0\end{aligned} \qquad (22)$$

Бунда $\psi(t,x)$ - компакт юритувчи сифатидаги силлик функция.

p>n ҳолини кўриб чиқамиз. Бу холда қуйидаги белгилашларни амалга ошириш орқали $w(t,x)=f(\xi),\ z(t,x)=\psi(\xi)$,

$$\xi=\varphi(|x|)(T+\tau(t))^{-1/p},\ T\geq 0,\ \varphi(|x|)=\frac{p-n}{p}|x|^{\frac{p}{p-n}},\ n<p,\ \tau(t)=\int_0^t k_1(x)dx$$

$f(\xi),\psi(\xi)$,- учун автомодел системаларга эга бўламиз

$$\begin{aligned}&\xi^{1-S}\frac{d}{d\xi}\left(\xi^{S-1}\psi^{m_1-1}\left|\frac{df^k}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{df}{d\xi}\right)+\frac{\xi}{p}\frac{df}{d\xi}=0,\\&\xi^{1-S}\frac{d}{d\xi}\left(\xi^{S-1}f^{m_2-1}\left|\frac{d\psi^k}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{d\psi}{d\xi}\right)+\frac{\xi}{p}\frac{d\psi}{d\xi}=0\end{aligned}\tag{23}$$

$$s=\frac{p(N-l))}{p-(n+l)},\ \ p-(n+l)>0,\ N-l>0$$

Қуйидаги функцияларни қараймиз:

$$u_+(t,x)=\overline{f}(\xi),\ \overline{f}(\xi)=A\left(a-\xi^{\gamma}\right)_+^{\gamma_1},$$

$$v_+(t,x)=\overline{\psi}(\xi),\ \overline{\psi}(\xi)=B\left(a-\xi^{\gamma}\right)_+^{\gamma_2},$$

$$\xi=\frac{\varphi(|x|)}{[T+\tau(t)]^{1/p}},\ \ \gamma_i=\frac{(p-1)[k(p-2)-(m_i-1)]}{q},$$

$$i=1,2,\ q=[k(p-2)]^2-(m_1-1)(m_2-1)$$

4-Теорема. Фараз қилайлик $\gamma_1>0,\ \gamma_2>0$, p>n+l, $\tau(\infty)<\infty$ бўлсин, у холда (20) – (21) системанинг ечими

$$A^{p-2}B^{m_1-1}\leq 1/p(\gamma\gamma_1)^{p-1},\ A^{m_2-1}B^{p-2}\leq 1/p(\gamma\gamma_2)^{p-1}\tag{24}$$

$$u_0(x)\leq u_+(0,x),\ v_0(x)\leq v_+(0,x),\ x\in R^N$$

ўринли бўлганда фазовий локализация хусусиятига эга бўлади.

Теорема5. Агар $\gamma_1>0,\ \gamma_2>0$, *p>n+l* бўлса у холда (23) тенгламанинг ечими $\eta\to\infty$ $(\eta=-\ln(a-\xi^{p/(p-1)})$ да қуйидаги ассимптотик кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned}&f(\xi)=A\tilde{f}(\xi)(1+o(1)),\\&\psi(\xi)=B\tilde{\psi}(\xi)(1+o(1))\end{aligned}\tag{25}$$

Бунда A, B- коэффициентлар қуйидаги алгебраик тенгламалар ечими.

